O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 2 май, № 83 (3882) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мустақиллик йилларида қабул қилинган футболни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар Ўзбекистон футбол жамоаларига халқаро майдонда сезиларли ютуқларга эришиш имконини берди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси, «Пахтакор» (Тошкент), «Нефтчи« (Фарғона), «Насаф» (Қарши) клублари шулар жумласидандир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига Спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурининг амалга оширилиши туфайли республикада ҳар йили замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган стадионлар сони кўпаймоқда. Энг қобилиятли ёш спортчиларни аниқлаш ва келгусида улардан юқори малакали футболчилар тарбиялаш имконини берадиган иқтидорли спортчи ёшларни қидириб топиш ва тайёрлаш тизими тобора такомиллаштирилмоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда миллий чемпионат нуфузини ва мақомини ошириш, юқори классли футболчиларни ва спорт захирасини тайёрлашни ташкил этиш ва таъминот ишлари сусайди, Ўзбекистон футбол жамоаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мамлакатимиз ҳомийлари ва донорларининг фаоллиги пасайди. «Дўстлик» (Тошкент вилояти) ва МҲСК (Тошкент) футбол клублари фаолиятини тўхтатди. Кўп йиллик тарихга эга бўлган «Қўқон-1912», «Сурхон» (Термез), «Зарафшон» (Навоий) футбол жамоалари машҳурлигини йўқотмоқда.

Мазкур камчиликлар ҳозирги вақтда етарли моддий- техника базасига, маблағ билан таъминлаш манбаларига, шунингдек, малакали ходимларга эга бўлмаган бир қатор вилоят футбол федерациялари ишларининг сустлиги оқибатидир. Вилоятларда болалар-ўсмирлар жамоалари ўртасида ўқув машғулотлари жараёнининг ва мусобақаларнинг паст савияда ташкил этилаётганлиги тегишли футбол федерациялари ишларининг сустлиги, айрим минтақаларда эса — уларнинг ишдан ўзини четга олишлари ҳамда бунга вилоят, шаҳар ҳокимликлари томонидан эътибор берилмаётгани билан бевосита боғлиқдир.

Футболни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатиш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Футбол федерациясини ва футбол клубларини ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, жаҳон ва Осиё қитъаси чемпионатларида, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори классли футболчилар тайёрлашни таъминлаш, шунингдек, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг: фаолият кўрсатаётган футбол клубларини қайта ташкил этиш йўли билан мулкчиликнинг турли шаклларидаги профессионал футбол клубларини ташкил этиш тўғрисидаги; захира тайёрлаш учун профессионал футбол клубларининг ўз тузилмасига болалар-ўсмирлар футбол мактабларини киритишни мажбурий деб ҳисоблаш ҳақидаги; футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этиш, шунингдек, Тошкент шаҳрида Россия тренерлар олий мактаби филиалини очиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги; Ўзбекистон Футболини қўллаб-қувватлаш жамғармасини унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиаллари билан бирга ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Футболини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Футбол федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, профессионал футбол клублари томонидан ташкил этилиши ва у қуйидагиларни таъминлаши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин: мамлакатимиз оммавий ва профессионал футболини ривожлантиришга, профессионал футбол клубларини ташкил этиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш; футбол жамоаларининг алоҳида намуна кўрсатган иқтидорли ўйинчиларини моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш тизимини яратиш, қобилиятли ёшларни футболга жалб этиш, футболчилар янги авлодининг ишончли захирасини шакллантириш; тажриба алмашишда ҳамда Ўзбекистон футболчилари, тренерлар ва ҳакамлар таркибининг профессионал маҳоратларини оширишда чет эл футбол клублари ва федерациялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

юқори классли футболчилар ва спорт захирасини тайёрлашнинг самарали методларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар ўтказишда кўмаклашиш;

мамлакатимиз футболини ривожлантириш мақсадида маҳаллий ва хорижий ҳомийларни, манфаатдор корхоналар ва жамоат ташкилотларини ҳамкорлик қилишга жалб этиш.

3. Белгилансинки, профессионал футбол клубини ташкил қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, спорт ташкилотлари, шунингдек, тижорат тузилмалари, юридик ва жисмоний шахслардан иборат муассислар томонидан уларнинг шакллантирилаётган клублар ташкилий ва молиявий масалаларини ҳал этишдаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги: Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабини, уни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, Ўзбекистон Футбол федерацияси тасарруфига ўтказсин; бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига болалар- ўсмирлар футбол мактабларининг ишларини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш юзасидан таклифлар киритсин; Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабини ташкил этсин.

5. Қуйидагилар белгилансин: Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактаби хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар тайёрлайди, қайта тайёрлайди ҳамда уларнинг малакасини оширади; футбол бўйича тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Футбол федерацияси ва профессионал клубларнинг буюртманомалари бўйича амалга оширилади; Футбол бўйича тренерлар ва ҳакамлар республика мактабининг таълим жараёнида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг кадрлар, илмий- методик ва ресурс салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилади.

6. Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Пахтакор» ОАЖнинг эркин сотиш учун мўлжалланган акцияларининг 49 фоизини «Пахтакор» Футбол клуби» қўшма корхонасига унинг томонидан стадионни ҳамда комплекснинг бошқа спорт иншоотларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда белгиланган тартибда топшириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Профессионал футбол клублари ҳамда Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга: республикада ишлаб чиқарилмайдиган, стадионларни реконструкция қилиш ва футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган четдан келтириладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ҳамда материаллар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари); солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини тўлашдан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) бўшайдиган маблағларни футболни ривожлантиришга мақсадли йўналтирган ҳолда озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мамлакатда оммавий футбол ҳаракати ривожланишини, энг яхши футбол клублари, спорт мактаблари, жисмоний тарбия жамоалари, мутахассислар ва тренерлар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритсин, расмий футбол ўйинлари ўтказилишини тарғиб этсин ва реклама қилсин. Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон чемпионати ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ўйинларини трансляция қилиш учун телевизион ҳуқуқларга эга бўлиш юзасидан шартнома тузиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 1 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2006 йил 2-3 май кунлари расмий ташриф билан Покистон Ислом Республикасида бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Покистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалаларни муҳокама этадилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

«БИЗ КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙМИЗ»

Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Сажжад КАМРАН жаноблари «Жаҳон» ахборот агентлиги саволларига жавоблари

— Муҳтарам элчи жаноблари, мана 14 йилдан буён, мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари мавжуд. Шу давр мобайнида давлатлараро муносабатлардаги муҳим қадамлар ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ўзбекистон мустақиллиқни қўлга киритган кундан буён Исломобод ва Тошкент ўзаро дўстона муносабатларни фаол ривожлантиришга киришган. Ушбу алоқалар олий даражадаги тўртта учрашув, шунингдек, самарали ҳамкорлик ва турли соҳалардаги ҳамжиҳатлик билан ифодаланади. Покистон Президенти, генерал Парвез Мушаррафнинг 2005 йил март ойида Ўзбекистонга буюрган ташрифи икки томонлама муносабатлардаги сўнгги муҳим воқеа бўлди. Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари 1992 йили Покистонга ташриф буюрганди. Унинг Покистонга иккинчи ташрифи шу йил май ойининг бошига режалаштирилган. Биз бу муҳим воқеани интиқлик билан кутаётирмиз.

Ўн тўрт йил — ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиш тарихида қисқа муддат. Шундай бўлишига қарамай, ўтган йиллар мобайнида мамлакатларимиз кўпгина соҳаларда ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиб, уларни изчил кенгайтириб бормоқда. Ҳар икки мамлакат делегацияларининг ўзаро ташриф-лари сони сезиларли даражада ошди.

Покистон Ўзбекистон билан биринчилар қаторида дипломатия муносабатларини ўрнатган мамлакатлар сирасига киради. «Покистон ҳаво йўллари» (PIA) МДҲ ҳудудидан ташқаридаги мамлакатлар орасида Тошкентга тўғридан-тўғри ҳаво қатновини очган биринчи хорижий авиакомпания ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларининг дастлабки хорижий ташрифларидан бири бизнинг мамлакатимизга бўлган эди. Исломобод ва Тошкент ҳамкорликнинг кенг кўламларини қамраб олган қатор битимларни имзолади. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, бу ҳамкорлик фақат савдо-иқтисодий соҳа билан чегараланиб қолмаган. Покистон ўзбек мутахассислари учун банк иши, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, бухгалтерия, солиқ, почта хизмати, қурилиш техникаларини ишлатиш ва сақлаш, инглиз тили ва бошқа йўналишларда турли ўқув курсларини ташкил этмоқда. Бу курсларнинг аксарияти Покистон техникавий ёрдам дастури томонидан молиялаштирилади. Ҳозирги пайтда бу дастурни янада кенгайтириш режалаштирилмоқда. Покистон — Ўзбекистон муносабатлари икки томонлама алоқалар билан чекланиб қолмаган. Мамлакатларимиз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЕСО) ва Ислом конференцияси ташкилоти сингари минтақавий анжуманлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Покистонга ШҲТда кузатувчи мақоми берилганидан сўнг Исломобод ва Тошкент унга аъзо бошқа давлатлар билан биргаликда минтақа иқтисодий ривожланиши ва хавфсизлигига ҳисса қўшиш учун яна бир умумий заминга эга бўлди.

Халқаро миқёсда ҳар икки мамлакат БМТнинг турли ташкилотлари доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда. Нью-Йорк, Женева ва бошқа кўп томонлама халқаро дипломатия марказларида мамлакатларимизнинг бир-бири билан яқин алоқалари мавжуд.

Рўй-рост эътироф этиш керакки, бизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигимиз мавжуд салоҳиятларимизга мос эмас. Бундай салоҳиятни ҳаётга татбиқ этишга халақит бераётган омиллардан бири Покистон ва Ўзбекистон оралиғида жойлашган мамлакат — Афғонистондаги вазиятдир. Жўғрофий жойлашуви жиҳатидан яқин бўлишига қарамай, тўғридан-тўғри ерусти алоқасининг мавжуд эмаслиги икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлигига салбий таъсирини кўрсатди. Шунинг учун Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликнинг қайта тикланиши нафақат Покистон ва Ўзбекистоннинг икки томонлама муносабатлари аҳволи учун, балки умуман Марказий Осиё учун катта аҳамиятга эгадир. Хусусан, бу мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликнинг кенг кўламларини очади. Ўзбекистон Афғонистон орқали ўтадиган қисқа ерусти йўли орқали Покистоннинг денгиз портларига чиқиш имконига эга бўлади. Покистоннинг Жанубий Осиёда, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда марказий ўрин тутиши, бизнинг мавжуд салоҳиятларимиз икки давлатни табиий шерикликка ундайди. Улар биргаликда бу минтақага катта наф келтиришга қодир.

— Имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувларни эътиборга олган ҳолда мамлакатларимиз икки томонлама ҳамкорлигининг истиқболлари юзасидан қарашингиз қандай?

— Ҳозирги кунгача Покистон ва Ўзбекистон ўртасида 24 та ҳужжат имзоланган. Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларининг Покистонга бўлажак ташрифи чоғида яна қатор ҳужжатларнинг имзоланиши режалаштирилаётир. Табиийки, савдо-иқтисодий ҳамкорлик устувор йўналиш ҳисобланади. Бизнинг ҳаракатларимиз иқтисодий муносабатларни имкон қадар юқори даражага кўтаришга йўналтирилган. Икки томонлама савдо-сотиқнинг ҳозирги даражаси бизни қониқтириши мумкин эмас. Биз улкан имкониятларга эгамиз, уларни ҳаётга татбиқ этишимиз керак. Терроризм билан кураш борасидаги ҳамкорлик ҳам кун тартибида муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, мазкур муаммога бағишланган битим Покистон Президентининг Ўзбекистонга буюрган ташрифи чоғида имзоланган эди. Покистон ҳам, Ўзбекистон ҳам терроризм балосини ўз бошидан ўтказган. Шу боис бу иллатга қарши биргаликда курашиш лозим.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2006 йил 8 май душанба иш кунини 2006 йил 6 май шанба кунига кўчириш тўғрисида

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2006 йил 8 май душанба иш куни 2006 йил 6 май шанба кунига кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 1 май.

Пахтаободлик Ҳилола Ашуровани бугун нафақат туманда, балки вилоятда ҳам кўпчилик эҳтиром билан тилга олади.

Ёш бўлишига қарамай, унинг Тўп-Авжувоз маҳалласида "Ашурова Ҳилола" фирмаси ташкил этиб, аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйгани ҳурматга сазовор.

ҲУНАРЛИГА ҲУРМАТ ЎЗГАЧА

Ҳилолахон раҳбарлик қилаётган мазкур даргоҳда айни пайтда 30 дан ортиқ қизлар бичиш-тикиш сирларини ўрганишмоқда. 20 нафардан зиёд чевар қиз тайёрлаётган турли хил иш кийимлари эса сифатлилиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам энди фирма маҳсулотларига қизиқиш билдираётган мижозлар сафи тобора кенгайиб бораяпти.

Ҳилолахон ёшларга ҳунар ўргатиб, уларни эртанги ҳаёт мактабига муносиб тарбиялаш ҳамда ички бозорни сифатли маҳсулот билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

СУРАТДА: Ҳилолахон Ашурова шогирди билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги олдидан

ОЗОД ЮРТНИНГ АҲИЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимиз истиқлолининг 15 йиллигига бағишлаб Навоий вилоятининг бир қанча туман ва шаҳарларида хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида дўстлик форумлари ўтказди.

Учқудуқ туманида ўтган ана шундай тадбирда хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллалар фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даргоҳлари талабалари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётир. Бунда юртимизда бир оила фарзандларидек аҳилликда яшаб, меҳнат қилаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда, турли иллатларга қарши курашишда бугун миллати,

(Давоми 2-бетда).

ОЗОД ЮРТНИНГ АҲИЛ ФАРЗАНДЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

диний эътиқоди, касбу коридан қатъи назар, барча ҳамюртларимизда янада огоҳлик ва ҳушёрлик, она-Ватан тақдири учун масъуллик туйғусини юксалтириш, айниқса, ёш авлодни мустаҳкам қатъият ва ирода соҳиби этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, озод ва обод Ватанимизнинг истиқболи, эртанги куни, тараққиёти айнан ёшлар қўлидадир.

Тадбирда вилоятдаги миллий маданият марказлари, спорт усталари, ижрочи ёшлар ва таниқли санъаткорларнинг мусиқий дастури намойиш этилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров иштирок этди.

***

Вилоятнинг Зарафшон шаҳрида ташкил этилган ана шундай дўстлик форуми ҳам жуда кўтаринки руҳда ўтди.

Унда мамлакатимизда ёш авлодни комил инсон этиб вояга етказиш, таълим- тарбия бериш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таъкидланди. Зеро, ёшлар тарбиясида оила ва энг аввало оналарнинг ҳиссаси беқиёсдир.

Шу боис аҳолининг айни қатламлари ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб этиш, дунёда ва ён-атрофимизда кечаётган сиёсий жараёнларга нисбатан юртдошларимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан сақлашда барча масъулдир. Тадбир қатнашчилари ана шундай эзгу ва улуғвор мақсадлар йўлида якдилу ҳамфикр эканликларини изҳор этдилар.

Форумда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг мусиқий дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЗИДДИЯТЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН ФОЙДА КЕЛТИРМАГАН

Ўзбек ва ҳинд халқларини узоқ йиллик тарихий алоқалар боғлаб туради. Ҳиндистоннинг давлат ҳамда сиёсат арбоблари мамлакат тарихида, тараққиётида буюк аждодларимиз Бобур ва бобурийлар сулоласининг муҳим ўрни борлигини кўп бора таъкидлашган. Шуни қайд этиш лозимки, бундан юзлаб йиллар бурун бошланган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг янги поғонага кўтарилди. Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингхнинг шу йил 25-26 апрель кунлари мамлакатимизга қилган расмий сафари давомида бу яна бир бор исботланди.

Ўтган ҳафтага назар

Ташриф доирасида бўлиб ўтган Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингх учрашувида икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Икки томонлама музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Шунингдек, саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, замонавий технологиялар, фан, маданият, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш борасида ҳам бир неча ҳужжат имзоланди.

Ҳиндистон Бош вазири ташрифи охирида мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳамюртлари ва ўзбекистонлик ҳиндшунос олимлар билан учрашди. Мулоқот чоғида илм-фан, маданият ҳамда санъат намояндалари ўртасидаги алоқаларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорликка оид мавзуларда сўз юритилди.

Сўнгги йилларда юртимизда мулкни хусусийлаштириш, унинг шакл ва услубларини такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди. Лекин ҳозирги пайтда Давлат мулки қўмитаси ҳамда ҳудудий бўлинмаларининг хусусийлаштирилган корхоналарда давлат активларини самарали бошқариш, кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш борасидаги ишлари талабга жавоб бермай қолди. Ўтказилган текширув ва аттестациялар натижалари тизимда кўп камчиликларга йўл қўйилаётганини, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларининг малакаси давр талабларига жавоб бермаётганини кўрсатди.

Ўтган ҳафтада матбуотда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Унда Давлат мулки қўмитаси ишини тубдан яхшилаш йўллари белгилаб берилган.

Замон шиддаткор, дунё кенг. Унинг бир четида чин бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган пайтда, бошқа бир бурчагида портлаш содир бўлди, террор яна ўзининг жирканч башарасини кўрсатди. Мисрнинг Дахаб шаҳрида кетма-кет содир этилган учта портлаш оқибатида 30 нафар бегуноҳ инсон ҳалок бўлди. Кўплаб тинч аҳоли жароҳатланди. Минглаб сайёҳлар шошилинч равишда Мисрни ташлаб кетмоқда.

Террорчиларнинг ҳаракатларига эътибор бер-сангиз, уларнинг асл башараси тобора яққолроқ намоён бўлади. Миср сайёҳликдан ҳар йили миллиардлаб доллар даромад кўради. Юз минглаб маҳаллий аҳоли сайёҳлик туфайли иш билан банд. Террорчилар эса портлатиш ва қўрқитиш туфайли айнан шу соҳага зарба бераяпти. Улар ушбу ҳаракатлари билан мамлакат иқтисодига зиён етказиб, миллионлаб аҳолини ишсиз қолдирмоқчи. Ишсизлик эса, ўз-ўзидан, аҳоли ўртасида норозилик келтириб чиқаради.

Бундан роппа-роса йигирма йил бурун нафақат ХХ асрдаги, балки инсоният тарихидаги энг катта фожеа юз берган эди: Чернобиль АЭСи портлаб кетганди. Ўша пайтдаги шўролар ҳукумати бу фожеа оқибатларини оммадан яширган, келтирилган моддий ва маънавий зарар миқдорини бир неча баробар камайтириб кўрсатганди. Орадан йиллар ўтиши билан бор ҳақиқат ойдинлашмоқда. Чернобиль фожеаси оқибатлари ҳали кўп йиллар инсониятга ўзини эслатиб туриши маълум бўлди. Ушбу фожеанинг йигирма йиллигига бағишлаб дунё бўйлаб ўтган тадбирларда шулар ҳақида гапирилди. Бундан буён атом фожеасига мутлақо йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди.

Ўтган ҳафтада МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад ал-Барадеи БМТда Эроннинг атом дастури ҳақида ҳисобот берди. Бу дастурнинг амалга ошишига АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари қаршилик қилмоқда. Улар Эронга эмбарго эълон қилишмоқчи. АҚШ матбуотининг ёзишича, Оқ уй муаммони қурол кучи билан ҳал этишга ҳаракат қилиши ҳам мумкин. Россия ва Хитой эса Эроннинг тинч мақсадларда атом энергиясида фойдаланишига қарши эмас.

Бу масалада Ўзбекистоннинг нуқтаи назари аниқ. Ҳар қандай можарони тинч, музокаралар йўли билан ҳал этиш лозим. Қарама-қаршилик ва зиддиятлар ҳеч кимга фойда келтирмаган, келтирмайди ҳам. Тарихда бунга кўплаб мисоллар бор. Шундай экан, Эроннинг ядро дастурига боғлиқ муаммолар ҳам БМТ шаъфелигида музокаралар йўли билан ўз ечимини топиши керак.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ.

Мустақиллик иншоотлари

КЎПРИКЛАР – ФИДОЙИЛИККА ҲАЙКАЛ

Мустақиллик йиллари пойтахтимиз ва вилоятларда барпо этилган муҳташам иншоотларни томоша қилар, улар ҳақида сўз кетар экан, мамлакатимизда бунёдкорлик фалсафаси бор бўй-басти ила намоён бўлади. Айниқса, маҳобатли, замон талабларига ҳар жиҳатдан мос келадиган баланд ва мустаҳкам кўприкларга назар ташлаганда юрак ғурур ва ифтихорга тўлади.



Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ота-боболаримиз: «Киши кўнглини овламоқ Каъба зиёратидан устундир» дейдилар. Яъни, ўзгалар ҳожатини чиқариш, уларнинг оғирини енгил қилиш билан одамлар қалбига қувонч олиб кирмоқ ниҳоятда хайрлидир. Халқимизда кўприк қуриш азал-азалдан энг савобли амаллардан саналган.

Ҳаётда ўзгалар мушкулини гарданига олиб, эзгу ва фойдали йўлларга ундаган фидойи кишилар ҳақида ҳам кўприк бўлди, деган таъриф айтилади.

Агар илгари омонат кўприклар, муваққат кўприклар, осма кўприклар эл-юрт эҳтиёжига яраб турган бўлса, эндиликда биз кураётган кўприклар бақувват, мустаҳкам, абадий иншоотлардир. Чунки бу кўприкларни юрагида истиқлол ғояси, буюк келажак орзуси жўш ураётган кишилар бунёд қилишаяпти.

Бизнинг кўприкларимиз асрлар оша мустаҳкам туради, келажак авлодларга мустақиллик пойдеворини яратган давр одамлари ҳақида ҳикоя қилади. Кўприклар элим деб, юртим деб ёниб яшаётган кишилар меҳнатига мангу ҳайкал бўлиб қолади.

Бу дунёда савоб ишлар ниҳоятда ранг-барангдир. «Умрим бесамар ўтмадимикан?» деган инсонга қарата: «Дунёга келиб нима иш қилдинг, бирор дарахт экдингми, бир бечоранинг қумғонини қайнатдингми?» деган сўроқни беришади. Худди шу оҳангда биз ҳар бир юртдошимиздан «Бирор қурилишга ғишт узатдингизми?» деб сўрагимиз келади. Албатта, бу ўринда гап эзгу савобли юмушларга қўшилган ҳисса ҳақида кетаётир.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманилик пири бадавлат отахон — Жуман бобо Нуримов ҳаж сафарига жамғарган пулини Сангзор дарёси устига кўприк қуриш учун сарфлади. «Сизни бу хайрли ишга нима ундади?» деб сўраганимизда отахон: «Нега энди сон-саноқсиз кўприклар бунёд этаётган Президентимиздан ибрат олмаслигимиз керак?» деб жавоб қилганида тан бердик.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда биргина пойтахтимизнинг ўзида қурилган замонавий кўприкларнинг саноғи анчагина. Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, бугунги кунда Тошкент шаҳрида 7 та транспорт тоннели, 27 та йўл ўтказгич, 95 та автомобиль-йўл кўприги, 50 та пиёдалар ўтиш кўприклари ва 34 та ер ости ўтиш йўллари мавжуд. Биргина 1999-2004 йилларда пойтахтимизда 11 та йўл ўтказгич, 1996-2005 йиллари 6 та ерости пиёдалар ўтиш йўллари қурилган. 1996-2006 йилларда 7 та янги кўприк фойдаланишга топширилган. Истиқлол йилларида бунёд этилган кўприклар лойиҳасининг муаммаллиги, узоқни кўзлаб бунёд этилганлиги билан ажралиб туради.

— Қурилган кўприк юз йиллар мобайнида аҳолига хизмат кўрсатиши керак, — дейди Ободонлаштириш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар марказий йўлларни, сунъий иншоотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш таъмирлаш бошқармаси бошлиғи муовини Моҳиржон Туропов. — Ҳозир кўприк қуришда асосий эътибор сифатга қаратилмоқда. Пойтахтимизда кейинги йилларда бунёд этилган кўприклар меъморий ечими билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда транспорт қатновини яхшилаш, ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида Кичик ҳалқа йўли қурилиши бошланганди. Қисқа вақт ичида бу ерда текис, равон йўллар, Улуғбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесишган жойда эни 40, узунлиги 75 метр бўлган кўприк бунёд этилди. 2003 йил кўприкнинг фойдаланишга топшириш маросимида қатнашган Юртбошимиз Кичик ҳалқа йўлини қуришдан кўзланган мақсад шаҳар бўйлаб узлуксиз ҳаракатланиш имкониятини яратишдан иборат эканлигини таъкидлаганди. Албатта, янги йўллар ва кўприкларнинг бунёд этилиши ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, экологик жиҳатдан ҳам муҳимдир.

> ***Бизнинг кўприкларимиз асрлар оша мустаҳкам туради, келажак авлодларга мустақиллик пойдеворини яратган давр одамлари ҳақида ҳикоя қилади.***

Бугун Амир Темур ва Ҳусниддин Асомов кўчалари кесишган чорраҳада қурилган кўприк пойтахтимизга ўзгача кўрк бағишлаб турибди. «Бошплан ЛИТИ» институти мутахассислари лойиҳаси асосида бунёд этилган мазкур иншоот ўзининг мураккаб меъморий қурилиши билан аҳолида ажралиб туради. Уни «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида «Кўприкқурилиш» ҳамда «Шаҳартаъмирқурилиш» трести қурувчилари етти ой ичида бунёд этдилар. Мазкур кўприк 2004 йили Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилди. Президентимиз ушбу иншоот қурувчи ва лойиҳачилари билан учрашганда, Кичик ҳалқа йўлининг узвий қисмига айланган узунлиги 823 метр, эни 28 метр бўлган бу иншоотни тиклашдан мақсад автомобиллар қатнови тиғизлиги ва сарф-харажатларни кескин қисқартириш эканлигини таъкидлаганди. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар икки йўналишда учтадан йўл ва йўлакларга эга бўлган замонавий кўприк бир кеча-кундузда ўттиз мингтача автотранспорт воситасига хизмат қилиш имкониятига эга.

Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами арафасида пойтахтимизнинг ҳалқа йўлида — Сергели тумани ҳудудидаги йирик чорраҳада 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич қурилган эди. Яқинда ушбу мураккаб транспорт ечими билан боғлиқ яна бир ҳайрли иш амалга оширилди — йўл ўтказгич Катта ўзбек тракти билан боғланди. Юртбошимиз ушбу йўл ўтказгич ва Эркин қўрғони оралиғида бунёд этилган 3,7 километрлик йўл билан танишган эди. Маълумотларга кўра, мустақиллик йилларида пойтахтимизда ва унга туташ ҳудудларда қурилган ва реконструкция қилинган йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприкларнинг умумий ҳажми минг километрдан ошади.

Шу кунгача мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келадиган транспорт оқими Фарғона водийсига пойтахтимизнинг Халқлар Дўстлиги кўчаси орқали йўл олар эди. Энди бу муаммолар ўз ечимини топди.

— Юнусобод кўприги устидан ўтаётганда бутун вужудингизни ҳаяжон қоплайди,— дейди ҳамшаҳримиз Одилжон ота. — Шу қадар қудратли қурилма ўз-ўзидан яратилган эмас. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида юргандай сезаман ўзимни! Кўприкнинг энг юқори нуқтасидан шаҳарга назар ташласангиз, ақлингиз шошади. Шу кунларга етказгани учун Яратганга шукрона айтамиз.

Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзлари ёдга келади: «Тараққиётни белгиловчи омиллар кўп, лекин уларнинг энг муҳимларидан бири мукаммал коммуникация тизимини яратишдан бошланади». Коммуникация тизимларининг ҳаётбахшлигини эса кўприклар таъминлайди. Узвийлик, боғлиқлик, алоқанинг мунтазамлилиги ана шу муҳташам иншоотлар туфайлидир.

Ҳа, Тошкент кўприклари — Ўзбекистон ифтихори. Буюклик тимсолига айланаётган бундай кўприклар юртимиз бағрида кўпаяверсин.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.
Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар.

Миллий дастур:

ИЖРО ВА НАТИЖА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган сайёр йиғилишида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"нинг Фарғона вилоятидаги ижросига оид масала муҳокама этилди.

Парламент ҳаёти

Айтиш жоизки, мазкур Дастур мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини такомиллаштириш заруратидан келиб чиқиб, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу ҳужжат ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли тизими яратилишида муҳим аҳамият касб этди.

Тадбирда олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари йиғилишларида ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб қилиш, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳларига тегишлича ёрдам кўрсатишга мўлжалланган жамоатчилик асосидаги юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш ва бошқа шу каби долзарб масалалар юзасидан тавсиялар берилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

КАФТДЕК ЕРДА МИЛЛИОНЛАР

Мингбулоқ — аграр туман. Юз кишига етиб-етмайдиган одам ишлайдиган иккитагина саноат корхонаси бор: бири «Гулбог» қишлоғидаги пахта заводи, иккинчиси Жомашўйдаги чоғроққина босмахона. Кўриниб турибдики, аҳолининг катта қисми далага, томорқасига, қисқаси, экин-тикиндан келадиган даромадга кўз тикади. Шуни таъкидлаш керакки, бугун туманда кўпчилик оилавий бизнесни йўлга қўйишда деҳқончилик, томорқа имкониятларидан оқилона фойдаланиб, дурустгина даромад топмоқда.

Наврўз кунларида Жомашўй шаҳарчасидаги бозорга кирдик. Унинг бир четини турли-туман кўчатлар билан савдо қилаётганлар эгаллашган. Бу ерда, айниқса, теракнинг бозори қизғин. Одамлар харид қилган боғлам-боғлам ниҳолларни машинага ортишяпти.

— Ука, бизга саккиз минг туп атрофида кўчат керак, топиб бера оласизми? — ниҳолларни чаққонлик билан ажратаётган йигитчага сўз қотади харидорлардан бири ва жавобни эшитгач, унинг манзилини ёзишга тушади.

Сотувчи Обиджон Ингичка қишлоғида яшовчи Нурмуҳаммад ака Аҳмедовнинг кенжа ўғли экан. Бозорга ўн минг тупдан ортиқ кўчат олиб келибди. Икки соатга қолмай сотиб бўлибди. Айтишича, оила асосан кўчатчилик билан шуғулланаркан.

— Бир гектар жойга терак экканмиз, — деди у ва қаламчалар қай тартибда экилади-ю, ҳар сотих ерда неча туп ниҳол етиштириш мумкин — ҳаммасини бир зумда ҳисоб-китоб қилиб берди.

— Қаламчалар бир йилда теша сопи йўғонлигидаги кўчатга айланади, — изоҳ берди Обиджон кейин. — Ҳар мавсумда 100-120 минг туп терак кўчати етиштирамиз. Тўғри, бу анча сермеҳнат иш. Бироқ даромади ҳам шунга яраша. Масалан, бу йил ҳар тупини ўртача 30-50 сўмдан сотганимизни айтсам, ҳамёнимизга қанча маблағ киргани аниқ бўлади. Ҳар ҳолда, бу миллионлар билан анча-мунча ишларимизни битириб олишимиз мумкин.

Обиджон ҳали йигирма ёшга ҳам киргани йўқ. Аммо ҳаётда ўз йўлини топиб улгурган. Отасига ўхшаб кўчатчиликни танлаб, тўғри қилди. Оиласи, рўзғор тегирмонини айни шу юмуш орқали юргизиб келишяпти.

Дарвоқе, ингичкаликларнинг деярли тўқсон фоизининг машғулоти шу. Дўппидек томорқаси борми, қаламча суқади. Қолаверса, ариқ ва зовурлар бўйини ҳам текислаб, кўчатзорга айлантиради. Даромади кўзга кўриндими ёки сув сероблигиданми, кейинги йилларда оилавий бизнеснинг ушбу тури бошқа қишлоқлардаги хонадонларга ҳам кириб боряпти.

Қайрағочовулда яшовчи Аҳмадали Абдураҳмоновнинг асли касби — муаллимлик, математикадан дарс беради. Йигирма сотих томорқасида теракчиликни йўлга қўйган. Мактабдан бўш пайтлари, дам олиш кунларида икки ўғлини ёнига олганича деҳқончиликка шўнғийди. Шартнома асосида ўқишга кирган каттаси Отабекнинг олий ўқув юртини битиришида ҳовлидан чиққан даромад асқотди.

Жомашўйлик Абдусаттор Маматқулов эса — пенсионер. Беш ўғли, бир қизи билан бир гектарлиқ боғни яшнатиб келаяпти. Ўн беш сотихга терак кўчати ҳам экишган, йигирма сотихи буғдой, қолгани маккажўхори билан банд. Ғаллазордан чиққани хонадоннинг бир йиллик унини кўтарса, жамғарилган макка пояси ва дони бешта сигир-бузоқ ҳамда икки бош қўйни тўйдириб турибди. Дастурхондан сут, қатиқ, қаймоқ аримайди. Ортганини эса бозорга чиқаришади.

Теракчиликнинг томир отиши мўъжазгина ёғочсозлик устахоналарига ҳам йўл очди. Усталар бу ерда етилган теракларни тилиб, яшик, иморат қураётганлар учун ёғоч-тахта тайёрлаб беришяпти. Айтишларига қараганда, ёзги пишиқчилик пайтида республикамизда ташқарига сотиш учун чиқарилаётган мева-чеваларни қадоқлашда қўшни туманлар аҳолиси ҳам айни Мингбулоқ қишлоқларида тайёрланган яшиклардан фойдаланар экан.

Фақат шунинг ўзи эмас. Бугун хонадонлардаги дурадгорлик устахоналарида бири-биридан чиройли мебеллар ҳам ясалаяпти. Масалан, «Момохон» маҳалласи-дан Исломжон Анафияевнинг кўпчилик қўли гул уста сифатида танийди. У тайёрлаган диван, ромкурси, стол-стул, нақшли қутичаларнинг бозори чаққон. Кичкинтойлар манежи, бешик, ғалвирлар, элакларини уйидан олиб кетишади. Уста ўз хонадони қолиб, шогирдлари рўзғорига ҳам барака киритяпти. Унинг қўшниси Ҳошимхон Мавлоновнинг устахонасидан бўлса ҳафтасига 2-3 та диван-курсилар сотувга чиқарилади.

Янги замон одамлари

Бозор иқтисодиёти кўпчиликнинг истеъдодига калит солди. Ҳунарнинг «ялт» этган қиррасини эгаллаган одам борки, билганини эзгуликка йўналтиряпти. Буни, жумладан, меҳнатга яроқли аҳолисининг салкам ўн минги учун янги иш ўринлари яратиш учун қурашаётган Мингбулоқда ҳам кузатиш мумкин. Биргина жорий йилнинг биринчи чорагида 404 киши янги ташкил этилган иш ўринларида фаолият кўрсата бошлаган бўлса, 234 нафар аёл уй меҳнати билан шуғуллана бошлади. 178 киши шартнома асосида ўз хонадонида маҳсулот тайёрлашга киришди. Қорамол боқиш, кўчатчилик, ҳунармандчиликнинг бозорбоп турлари билан машғул бўлаётганлар сони эса кун сайин кўпаймоқда.

— Айни кунларда ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг салмоғи йигирма беш фоизга тўғри келяпти, — дейди Савдо-саноат палатаси туман бўлими раиси Жамолиддин Соҳибов. — Бу, албатта, қайта ишлаш, енгил саноат, савдо-сотиқ соҳаси жадал ривожланган қўшни туманлардагига нисбатан анча оз. Тажриба аҳолиси анчагина сийрак жойлашган Мингбулоқда ана шу бўшлиқни кўпроқ оилавий бизнесни кенгайтириш орқали тўлдириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Мазкур юмушга қўл урган кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, бошланғич сармоя билан таъминлаш маҳаллий ҳокимият, молиявий идоралар, жамғармаларнинг доимий эътиборида. Хусусан, ўтган йили 15 кишига қорамол сотиб олиш учун 2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Биласиз, бошланғич сармоя — хонадон бизнеси муваффақиятининг дояси. Буни, айтайлик, банкнинг 600 минг сўм кредити ёрдамида мўъжазгина чорвачилик хўжалигини йўлга қўйиб олган Зулхумор Абдураҳимовадан сўранг. Уч йил олдин кредити ҳисобига сотиб олган қорамоллари икки баравар кўпайиб, оғили тўлиб қолди. Орада қарзини ҳам тўлаб улгурди. Бугун ҳамёни бақувват. Маблағ билан боғлиқ анча-мунча муаммони ўрнида ҳал қилади. Эндиликда Зулхумор сингари хусусий бизнесини юргизиб, ҳам рўзғори, ҳам бозорни тўлдираман, деганлар сафи янада ортади. Боиси, яна 200 кишининг имтиёзли кредит олиб, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиши юзасидан берган аризаси қондирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида бандлик масаласини ҳал этиш, бу борада оилавий бизнес ва кичик корхоналарни ривожлантириш аҳолининг реал даромадлари ҳамда турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шартларидан эканлиги алоҳида таъкидланиб, у ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Мингбулоқда оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, уни кишиларнинг фаол турмуш тарзига айлантириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар шу йўналишдаги катта саъй-ҳаракатларга қанот бўлаверсин.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 2 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	926,44	1 Канада доллари	1092, 82	1 ЕВРО	1540,41
1 Англия фунт стерлинги	2227,84	1 Хитой юани	152,30	10 Жанубий Корея вони	12,94
1 Дания кронаси	206,62	1 Малайзия рингитти	336,63	10 Япония иенаси	107,84
1 БАА дирҳами	332,22	1 Польша злотийси	398,02	1 Россия рубли	44,74
1 АҚШ доллари	1220,13	1 СДР	1794,88	1 Украина гривнаси	241,61
1 Миср фунти	212,38	1 Туркия лираси	923,29		
1 Исландия кронаси	16,48	1 Швейцария франки	985,09		

**/Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

«БИЗ КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙМИЗ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Икки томонлама маданий алмашувлар ҳамкорлигимизнинг муҳим бўғини бўлиб қолган. Бизда ўтган йили имзоланган Маданий алмашув дастурини амалга оширишнинг аниқ режаси мавжуд. Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг маънавий-маданий қадриятлари, урф-одатлари, этник келиб чиқишида муштарак жиҳатлар кўп. Бу сайёҳликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиши мумкин.

Академик доираларимиз ҳам интеллектуал бойлик алмашуви мақсадида бир-бири билан ҳамкорликни йўлга қўйишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, нефть ва газ, банк иши, таълим каби соҳалар келажакда ҳамкорлигимизнинг бошқа йўналишлари бўлиши мумкин. Ўзбекистон Президентининг Покистонга ташрифи ҳамкорликнинг янги уфқларини очиб бериши ва алоқаларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилишига бизнинг ишончимиз комил.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётганингизга мана бир йилдан ошди. Шу вақт ичида сиз мамлакатда қандай ўзгаришларни сездингиз? Шу хусусдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Ўзбекистонда ўтказган қисқа вақт мобайнида мен мамлакатингизда кўплаб ўзгаришлар рўй бераётганига шоҳид бўлдим.

Биргина Тошкентни олайлик. Шаҳар инфратузилмаси яхшиланмоқда, янги-янги бинолар қад кўтариб, шаҳарнинг ҳар бир бурчагида ҳашаматли меҳмонхоналар чирой очиб турибди, йўлларда энг замонавий автомобиллар гизиллаб «чопиб» юргани баробарида, пиёдаларнинг қўлида энг янги русумли уяли телефонларни кўриш мумкин, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар сероб. Соғлом ва барқарор ривожланаётган иқтисодиётсиз булар бўлмас эди.

Бахтиёр ИРИСОВ,
Бобур СОБИРОВ,
«Жаҳон» АА.

Дарфур масаласида музокаралар

Айни пайтда Суданнинг Дарфур музофоти масаласида жангарилар ва ҳукумат ўртасида музокаралар бўлиб ўтаяпти. Африка Иттифоқи тарафларни бир келишувга эриштиришга ҳаракат қилмоқда. Икки томонга ҳам бир қарорга келишлари учун 48 соат вақт берилди. «Жанжавид» отряди аъзолари ҳукумат тарафидан қуролсизланиш борасида қўйилаётган талабга эътироз билдираяпти.

Африка Иттифоқи музокараларнинг кейинги босқичини Нигерияда ўтказишни режалаштирмоқда. Музокараларда қатнашаётган «Адолат ва тенглик учун» ҳаракати келишувнинг дастлабки лойиҳасига рози эмаслигини билдирган. Шунга қарамасдан, Судан ҳукумати мамлакатда фуқаролар урушига нуқта қўйиш учун Дарфурдаги қуролли гуруҳлар билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Талаб муддати тугади

Европа Иттифоқи Сербия ва Черногория ҳукуматига ҳарбий ва инсониятга қарши жиноятларни амалга оширганликда гумон қилинаётган генерал Ратко Младични қўлга олиб, жорий йил 30 апрелга қадар Гаага трибуналига топшириш борасида талаб қўйганди. ЕИ вакили генералнинг одил судловга топширилмаганлиги иттифоқ ва расмий Белград ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини билдирди.

Босниялик сербларнинг собиқ етакчилари Ратко Младич ва Радован Каражичлар ўтган асрнинг 90-йилларида амалга оширилган ҳарбий жиноятларнинг асосий ташкилотчилари ва ижрочилари сифатида гумон қилинмоқда. Тахмин қилинишича, Р. Младич ҳозир Сербияда яшириниб юрибди.

Конда портлаш

Хитойнинг Шанси музофотидаги кўмир конларидан бирида рўй берган кучли портлаш оқибатида камида 27 киши қурбон бўлган. «Синьхуа» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, портлаш юз берган пайтда конда 39 нафар ишчи бўлган. Улардан етти нафари енгил жароҳатланган. Мазкур фожеа сабаблари ҳозирча номаълум.

Эслатиб ўтамиз, Хитойда ўтган бир йил давомида конларда рўй берган турли кўнгилсиз воқеалар сабаб етти минг киши ҳалок бўлди.

Польша вазири норози



Ўтган йилнинг кузида расмий Москва ва расмий Берлин ўртасида Россиядан Германияга Болтиқ денгизи орқали газ қувури ўтказиш юзасидан келишувга эришилган эди. Польша мудофаа вазири Радослав Сикорский мазкур дастурни кескин танқид қилиб чиқди. Брюсселда бўлиб ўтаётган халқаро конференцияда Скорский ушбу масалада Россия ҳам, Германия ҳам Польша билан ҳеч бир маслаҳатлашувларсиз бир битимга келганини айтди. Вазирнинг фикрича, Германия ҳукуматининг бундай қарори умумевропа ташқи сиёсатидаги яқдилликка катта путур етказмоқда.

Кузатувчиларнинг таъкидлашларича, Россиянинг тўғридан-тўғри Ғарбий Европага муқобил тарзда газ қувурини тортиши Шарқий Европанинг бир қатор давлатларини энергетика тақчиллигига дучор қилиши мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» акциядорлари диққатига!

«Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши сизга 2006 йил 2 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 6-уйда жойлашган «Ўзбекэнерго» ДАК биносида банк акциядорларининг 2005 йил натижалари бўйича умумий ҳисобот йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар қилади.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2005 йилги иш якунлари тўғрисидаги банк бошқаруви йиллик ҳисоботини тасдиқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда банкнинг 2006 йилдаги фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида.
2. Банк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Банкнинг 2005 йил 31 декабрь ҳолатидаги бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи, 2005 йилдаги харажатларини тасдиқлаш ва 2005 йилдаги олинган фойдани тақсимлаш масаласи.
4. 2006 йилга банк ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш масаласи.
5. 2005 йилги иш якунларига кўра банк кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссияси раисини тақдирлаш масаласи.
6. Банк кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
7. Банк бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини 1 (бир) йилга узайтириш масаласи.
8. Банк уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

2006 йил 3 май ҳолатигача ёпилган «Ўзсаноаткурилишбанк» акциядорларининг реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Банк кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вакилларидан йиғилишга ўз шахсларини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишларини сўрайди.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади. Тегишли ахборот (материаллар)ни бош банкдан ва банк филиалларидан олиш мумкин.

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
120-45-07, 120-36-06.
www.uzpsb.uz

Банк кенгаши.

АТ «Тадбиркорбанк»:

ЛИЗИНГ — ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ ХИЗМАТ

Республикамиз ҳукумати томонидан барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш борасида муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ишлаб чиқарувчиларга турли хизмат кўрсатиш ташкилотлари, хусусан, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар ва банк-молия муассасалари фаолияти ҳам ушбу мақсадларга йўналтирилмоқда. Хусусан, мамлакатимиздаги етакчи банклардан бири — АТ "Тадбиркорбанк"и кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига имтиёзли кредит ва лизинг хизматлари кўрсатмоқда.

Лизинг хизмати деганда нималар тушунилади?

Лизинг олувчи (юридик шахс ёки тадбиркор) лизинг берувчи (банк)нинг маблағлари ҳисобидан харид қилинган мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш орқали даромад кўриб секин-аста қарзини узади. Лизинг муддати тугагандан сўнг, мол-мулк лизинг олувчининг мулкига айланиши мумкин. Эслатиш жоизки, лизинг олувчи ва берувчи ўртасида имзоланаётган шартнома қуйидаги талаблардан бирига мос келиши лозим. Яъни, лизинг шартномаси муддати тугагандан кейин лизинг объекти лизинг олувчи мулкига ўтади; шартнома муддати лизинг объекти хизмат қилиш муддатининг 80 фоизидан ортиғини ёки лизинг объектининг қолдиқ қиймати лизинг шартномаси муддати тугагач, унинг бирламчи қийматининг 20 фоизидан камини ташкил этиши керак; лизинг олувчи лизинг объектини белгиланган нархда ёки лизинг шартномаси муддати тугагандан кейин белгиланадиган нархда бутунлай сотиб олиш ҳуқуқига эга; лизинг шартномаси даврида тўловларнинг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Қувонарлиси шундаки, республикамизда лизинг хизмати кўрсатувчи молия муассасалари ва ундан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мисол учун, 2003 йилда лизинг битимларини молиялаш билан 17 та лизинг компанияси ва тижорат банклари шуғулланган бўлса, ҳозирга келиб, уларнинг сони салкам 30 тага етди. Албатта, лизинг хизматининг бу даражада ўсишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 3122-сонли Фармони муҳим аҳамият касб этди. Чунки, ушбу ҳужжатга кўра, лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан, лизингга берилаётган ускуналар эса божхона тўловларидан озод қилинди. Бу имтиёзлар нималардан иборат?

Аввало, лизингга бериш учун мамлакатимизга олиб келинаётган технологик ускуналар қўшилган қиймат солиғи ва божхона божидан озод қилинади; лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғига тортилмайди; лизинг олувчи лизинг объекти бўйича мулк солиғи тўламайди; лизинг олувчининг фойда солиғи бўйича солиққа тортиладиган базаси белгилаётганида, унинг жами даромадидан лизингга оид фоизлар, шунингдек, лизингга олинган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларининг барча, шу жумладан, тезлаштирилган усул билан ҳисобланган амортизация ажратмалари чегириб ташланади.

Хўш, тадбиркор лизингга нималарни олиши мумкин?

Истеъмолда бўлмаган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулкий мажмуалар, бинолар, иншоотлар, ускуналар ва транспорт воситалари, тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ҳар қандай кўчар ва кўчмас мулклар лизинг объекти сифатида берилиши мумкин. Бундан ташқари, ер участкалари ва бошқа табиий объектлар ҳам лизингга берилади (Эркин муомалада бўлиши қонунчиликда тақиқланган ёки муомаланинг алоҳида тартиби жорий этилган мол-мулклар бундан мустасно).

Ҳозирда АТ "Тадбиркорбанк"и 3 та лизинг компанияси билан ўзаро келишув тузиб, шу асосда иш олиб бормоқда. Аниқроғи, у кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига лизинг объектларини белгиланган муддатда етказиб беришлари учун лизинг компанияларига кредит линиялари орқали лимитлар бўйича маблағлар ажратмоқда. Айни чоғда банк томонидан саноат, транспорт, маиший хизмат ва бошқа соҳаларни ривожлантириш учун ҳам лизинг хизматлари кўрсатилмоқда.

Банк жамоаси бундан буён ҳам фермер хўжаликларини зарур техника воситалари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мақсадида лизинг хизматлари кўрсатаверади.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

«Она юрт яллалари» телефестивали

Андижонда «Она юрт яллалари» телефестивали бошланди.

Мазкур кўрик-танлов вилоят телерадиокомпанияси журналистлари ҳамда маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармаси мутахассислари ташаббуси билан ташкил этилди.

Тадбир ташкилотчиларининг фикрича, у вилоятнинг узоқ қишлоқларида яшаб, ижод қилаётган ҳаваскорларнинг иқтидори ва маҳоратини кенг тарғиб қилишга имкон яратади. Кўрик-танлов иштирокчилари мумтоз ашула ва замонавий қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ҳамда аския санъати бобида куч синашадилар.

Кўрик-танлов ғолиблари республика фестивалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

К. НИЗОМОВ,
«Туркистон-пресс».

Юнус Ражабий номидаги Жиззах мусиқали драма театрида «Бағритош» спектаклининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Янги спектакль тақдимоти

Театрнинг ёш, изланувчан режиссёри Илҳом Норматов саҳналаштирган асарда қимор ўйнаб, кайфу сафо, айшу ишратга берилган, ҳатто ота-онасини унутган, охир-оқибат бор будидан ажралган Умид шайтон васвасасига тушиб юрагини, қалбини «қимматбаҳо» тошга алмаштиради. Вужудидаги меҳрни йўқотади.

Бағритош ўғил (Бахтиёр Холматов), Шайтон малайлари (Жиззах санъат коллежи талабалари), Иблис (Абдурайим Лапасов) ролларини ижро этишган умидли ёшлар ҳаётда учраётган яхшилик ва ёмонлик, адолат ва разолат ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва бу курашда эзгуликнинг мудом тантана қилишини моҳирона кўрсатиб бера олганлар.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА НЕФТЬ ВА ГАЗ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ХАЛҚАРО ВОҚЕА!

Нефть ва Газ
10-Юбилей халқаро кўргазмаси ва анжумани
16 -18 май 2006
Тошкент, Ўзбекистон
Ўзэкспомарказ

www.oilgas.uz
www.ite-exhibitions.com/og

10 OGU ЮБИЛЕЙ

Ташкилотчилар:
ITE UZBEKISTAN, ITE GROUP PLC, Crocus, ITE LLC MOSCOW, GIMA

ITE Uzbekistan
Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 20
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 151 21 64
E-mail: industrial@ite-uzbekistan.uz, web: www.oilgas.uz

«GRANDEUR XG 250»
СЕДАН ПРЕДСТАВИТЕЛЬСКОГО КЛАССА
Цена – 58 000 000 сум, 57 900 000 сум.

HYUNDAI
Official Partner
«DONG NAM MOTORS CO. LTD.»
официальный дистрибьютор
HYUNDAI MOTOR COMPANY
В рассрочку на 6 месяцев при наличии банковской гарантии.
Первый взнос — 60% от стоимости автомобиля. Для юридических лиц.
г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8.
Тел. (998-71) 152-17-24.
Тел./факс (998-71) 152-17-25.
E-mail: hdnuz@yahoo.com
www.uzbekistan.hyundai-motor.com
Товар сертифицирован

«SANTA FE GLS»
ВСЕДОРОЖНИК
Цена – 57 000 000 сум, 55 400 000 сум.

Спорт

Мамлакатимиз ёшларининг жаҳон спорт майдонларида қўлга киритаётган ютуқлари бугун барчамизни қувонтирмоқда. Бу, албатта, Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун яратилаётган имкониятлар самарасидир.

Ўн ёшида халқаро спорт устаси

ҳали ҳеч ким бундай ютуққа эришмаган эди

Жорий йилнинг 16-26 апрель кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган шашка бўйича жаҳон биринчилигидан ҳам спортчиларимиз медаллар шодаси билан қайтишди. Куни кеча улар Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олинди.

Жаҳон биринчилигида 14 мамлакатдан 140 нафар спортчи иштирок этди. Бухоро шаҳридаги 33-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Саидқосим Алиев ўн ёшли иштирокчилар орасида тўққиз ўйиндан 17 очко жамғариб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди ва олтин медаль билан тақдирланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Саидқосим ўтган йилги жаҳон биринчилигида ҳам ўн ёшли шашкачилар ўртасида биринчи ўринни эгаллаган эди.

— 23 апрель куни Бутунжаҳон шашка федерациясининг бош ассамблеяси бўлиб ўтди,— дейди шашка бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Алишер Ортиқов. — Эътиборли томони, ассамблеяда Саидқосим Алиев ва унинг опаси Гулсум Алиева халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажарганлиги эълон қилинди. Албатта, ўн ёшида халқаро тоифадаги спорт устаси унвони ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Жаҳон биринчилигида Бухоро шаҳридаги 12-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Нурали Раҳматов ҳам ўн тўрт ёшли иштирокчилар орасида барча рақибларини енгиб, олтин медаль билан тақдирланди. Гулсум Алиева (Бухоро) ўн тўрт ёшли қизлар ўртасида бронза медалини қўлга киритди. Ўн олти ёшгача бўлган қизлар ўртасида Нигина Бозорова (Бухоро), йигирма ёшгача бўлган қизлар ичида Сайёра Йўлдошева (Сирдарё) тўртинчи ўринни эгаллашди. Анвар Омонов (Сирдарё) йигирма ёшгача бўлган ўсмирлар ичида еттинчи ўрин билан кифояланди.

28-30 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» мажмуасида катта спорт байрами — кикбоксинг бўйича 3-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Бу ерга ташриф буюрган минглаб кикбоксинг спорти ишқибозлари дунёнинг ўттизга яқин давлатларидан келган етти юздан ортиқ файтерлар иштирокидаги қизғин беллашувлар гувоҳига айланишди.



ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

— Кикбоксинг жадаллик билан оммавийлашиб бораётган спорт турларидан саналади, — дейди Бутунжаҳон кикбоксинг федерацияси (WFK) президенти Муҳаммадгасем Манучери. — Буни ўтказилаётган мусобақаларда иштирокчи давлатлар сони ошаётганлиги ҳам исботлайди. Бугунги чемпионат доирасида ўтказилган Бош ассамблея йиғилишида бир қанча араб ва Европа давлатлари федерациялари WFKга аъзо бўлиш учун ариза беришди.

Энди бевосита мусобақаларга тўхталадиган бўлсак, уни юқори савияда ўтди деб, бемалол айтиш мумкин. Шу ўринда бизни қўллаб турган Ўзбекистон ҳукуматига, Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ва Шарқ якка курашлари жанг санъати марказига Бутунжаҳон кикбоксинг федерацияси томонидан ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Жаҳон чемпионатида Осиё, Америка, Европанинг кўп карра чемпионлари билан бирга, умидли ёш кикбоксингчилар ҳам рингга кўтарилдилар.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон вакиллари энг кўп медаль билан шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Эрон спортчилари иккинчи, Қозоғистон кикбоксингчилари фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Терма жамоамиз ғалабасига Тошкент шаҳри, Жиззах, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари кикбоксингчилари муносиб улуш қўшдилар.

Жиззах вилояти кикбоксинг федерацияси президенти Аббосхон Нурмуҳамедовнинг таъкидлашича, ҳозир вилоятда қарийб минг нафар ёшлар кикбоксинг спорти билан шуғулланади.

— Жаҳон чемпионатига пухта тайёргарлик билан келдик, — дейди Аббосхон ака. — Чемпионат олдидан вилоят ҳокими бизни қабул қилиб, омад тилаганди. Юзимиз ёруғ бўлди. Саккиз нафар вакилимиз жаҳон чемпионатида қатнашган бўлса, уларнинг уч нафари олтин медаль билан қайтишаяпти.

Чемпионат доирасида Канада, Эрон, Греция, Албания, Қирғизистон ва Ўзбекистон профессионал кикбоксингчилари ўртасида рейтинг жанги ҳам ўтказилди. Унда Эрон, Албания ва Ўзбекистон кикбоксингчилари ғалаба қозондилар.

Айниқса, ҳамюртимиз Аҳмад Алимбеков ва Греция спортчиси Стелис Бенофф (67 килограмм вазн тоифасида) ўртасидаги жанг муросасиз кечди. Залга тўпланган минглаб мухлислар юртдошимизнинг ҳар бир чиройли ҳаракатини қарсаклар билан олқишлаб турдилар. Беш раунд давом этган мусобақада ҳамюртимиз катта устунлик билан ғалаба қозонди ва Ло-кик йўналиши бўйича профессионал чемпионлик камарини қўлга киритди.

— Бугун қувончимнинг чеки йўқ, — дейди А. Алимбеков. — Бундан олдин рейтинг жангларида қатнашиб, тажриба орттиргандим. Бу менга ёрдам берди. Албатта, Бенофф кучли спортчи, лекин мен ҳам ундан қолишмаслигимни исботладим. Эндиги асосий вазифам чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилишдан иборат.

Ж. ЗИЁДУЛЛА.
Рашид ҒАЛИЕВ олган суратлар.

Ватанга таъзим

Куни кеча Бўз педагогика коллежида бўлиб ўтган ёшлар форуми "Ватан манфаати улуғ ва муқаддасдир" деб номланди. Андижон вилояти ёшлари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда ватанга садоқат, юрт равнақи йўлида фидойилик, келажакнинг чин ворислари бўлиш ҳақида сўз борди. Тадбир доирасида давра суҳбатлари, шеърхонлик, шунингдек таниқли санъат усталари ва ёш ижрочилар ижросида катта концерт уюштирилди. Анжуманда айниқса, мамлакатимизнинг довруқли полвонлари Акобир Қурбонов, Дониёр Тўлашев, шунингдек, эл севган ёш эстрада хонандаларининг чиқишлари ёшларга ғоят манзур бўлди.

— Бугунги ёшлар кечаги тенгдошларидан бутунлай фарқ қилади, — дейди анжуманда иштирок этган Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом. — Интилувчан, ташаббускор, билимга чанқоқ. Айни пайтда уларнинг билим олишлари, хориж тилларини ўрганишлари, ўз билим ва салоҳияти билан дунёга чиқишлари учун мамлакатимизда барча шароитлар муҳайё этилган.

Форумда "Ватан муқаддасдир, Ватан биттадир", "Мен Ватанга нима бердим?" "Ўзбекистон ёшлари ўқишда ва ишда зўр ишларга қодир" сингари бир қатор шиорлар ўртага ташланди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

ДСҚ матбуот маркази хабар қилади

Банкдан ташқарида

Тўрткўл тумани солиқ хизмати ходимлари «Сан-Даллас» фирмасида ўтказилган режали текширишни ниҳоясига етказдилар. Шу жараёнда фирма озиқ-овқат маҳсулотлари учун жами 54,5 миллион сўм пул ўтказиб, ушбу маҳсулотларни сотишдан тушган 3,2 миллион сўмни Назорат-касса машинаси (НКМ)га кирим қилиб банкка топширгани, қолган 21,3 миллион сўмни эса топширмагани аниқланди.

Текшириш ҳужжатлари туман прокуратураси томонидан ўрганилиб, фирма раҳбари Б. Нурмановга нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жарима кор қилмади

Самарқанд туманидаги Кавола қишлоғида яшовчи Шер Вафоев ўзига тегишли «Дамас» русумли автомашинада ҳужжатсиз ва рухсатсиз киракашлик қилиб юрганида солиқчилар томонидан тўхтатилиб, 47 минг сўмлик маъмурий жаримага тортилган эди.

Жарима кор қилмади шекилли, Шер киракашликни давом эттираверди. Оқибатда кўп ўтмай яна қўлга тушди. Бир йилда такроран икки марта ҳуқуқбузарликка йўл қўйгани учун унинг устидан жиноят иши қўзғатишга тўғри келди.

Худди шундай нохуш савдо Ангаролмос қишлоғида яшовчи Ихтиёр Қурбоновнинг ҳам бошига тушди. Агар ҳамиша иши қонуний бўлганида, бу йигитларнинг йўлини ҳеч ким тўсмасди. Афсуски, улар тўғри йўлни четлаб, ўз бошларига ташвиш орттирдилар.

ISO 9001
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

«Management Consulting» компанияси ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22000) халқаро стандартлар талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга ихтисослашган.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Тел. /факс: (+99871) 132-12-55, 132-20-83, 154-66-98, 136-14-09.
E-mail: info.mc@mail.ru
Web-site: www.mc.uz

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК;
- «Муборакнефтгаз» УШК;
- «Vinlad» ИИК;
- «Rubicon Wireless Communication» ҚК;
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ;
- «ЎзДонгВон КО» ҚК;
- «Жанубгазқурилиш» ОТҲЖ;
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиш» ОТҲЖ;
- «AGRIHIM» ҚК.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ҚАЛИТИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
UPS УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ВА ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЛАРИ, ШУНИНГДЕК UPS УЧУН АККУМУЛЯТОР БАТАРЕЯЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА
ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Тижорат таклифлари 2006 йил 15 майга қадар қабул қилинади.
Қўшимча маълумотларни олиш учун Пётр Кузьмич Чипигага мурожаат қилинсин.
Мулоқот учун телефонлар: 133-15-86, 138-56-50. Факс: 134-92-18.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

VOLVO
Volvo Truck Corporation
Göteborg, Sweden
Ўзбекистоннинг «TURONIMPEKS SERVIS» компанияси Volvo Truck Corporation ширкатининг республикадаги РАСМИЙ ВАКИЛИ
Сизга Volvo русумидаги умумий вазни 16 тоннадан 100 тоннагача бўлган замонавий оғир юк автомобиллари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртмангизга биноан етказиб беришни кафолатлайди ва таклиф этади.
Манзилимиз: 700015, Тошкент, Кунаев кўчаси, 9-А уй.
Телефон: + 998 71 150-66-20. Телефакс: +998 71 150-66-30.
www.volvotruck.com
Маҳсулот сертификатланган.

KAPITAL SUG'URTA · Nemiroff · KAPITALBANK
Информационный партнер: FM ORIAT · Radio Doro ORIAT FM106,5
Ассоциация Гольфа Узбекистана · АКБ «KAPITALBANK» · Ташкентский Гольф Клуб
1-й ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА ПО ГОЛЬФУ
Организатор — Ассоциация гольфа Узбекистана.
При поддержке Ташкентского гольф-клуба.
Генеральный спонсор — KAPITALBANK.
1. Игра на 18 полях:
- игра с учетом гандикапа
2. Гольф состязания:
- состязание на патере
- состязание на дальний удар
Capital cup
Ташкент 2006
14 мая
Горячая линия: 113 - 11 - 33
Участники — граждане Республики Узбекистан
Гражданам Республики Узбекистан в течение 2006 года бесплатно предоставляются:
- занятия
- корзина с тренировочными мячами
- набор клюшек
- обувь для игры в гольф
Стань участником!

NG SERVICE ЎЗБЕКИСТОН–АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ
Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!
«NG SERVICE» ҚК дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.
Сервис-марказ кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.
Шунингдек, етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.
Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: Авиасозлар саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

KAMMAZ ARSENAL
юк машиналари учун ШИНА таклиф этади
Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.
Сайт: www.uzkam.com
Товар сертификатланган
Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал — Бобур боғи)

Офис ва хусусий уйларнинг архитектура ва қурилиш ишларини бажарамиз.
Телефонлар: 68-79-82, 336-52-99.

Тошкент Молия институти жамоаси Молия кафедраси катта ўқитувчиси Шавкат Ҳамдамовга падари бузруквори Комил ҲАМДАМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 757. 28740 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Қ. Эшматов.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5